

ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

2007 йил, 24 январь, Чоршанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 16 (10.825)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ
Янгиликлар, воқеалар

Кечка
сатрларда

● «СОҒЛОМ авлод учун» жамғармаси хомийлигида шахримиздаги Она ва бола скрининг марказига замонавий тиббиёт анжумлари тўхта этилди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси ташаббуси билан ёшлар онгига миллий кадрларимизни чуқурроқ синдириш, мамлакатимиз тарихи, маданиятини пухта ўрганишларига имкон яратиш мақсадида шахримиздаги «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси ҳамда «Қатагон қурбонлари» музейида лицейлар, коллежлар ўқувчилари иштирокида «Ўзбекистон тарихи» фанидан очик дарс машғулотлари ўтказилди.

● **ЖАХОН** иқтисодиёти ва дипломатия университети қолдада ташкил этилган Юридик клиника тингловчиларига сифатли таълим беришни таъминлаш, ёшларнинг ҳуқуқий билимини янада юксалтириш мақсадида мазкур зиё маскани замонавий электрон педагогик технологиялар билан таъминланди.

● **ЎТГАН** кунги Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 28 январдан бошланаётган кишки Олимпиада ўйинларида иштирок этиш мақсадида Хитойга жўнаб кетишди.

● **АКЦИЯДОРЛИК** тижорат «Пахта» банки томонидан мижозларга қўлайлик яратиш мақсадида янги омонат турлари жорий этилди.

● **БУГУН** ҳамза туманидаги Зебо Шамсуддинова маҳалласида воёга етмаган тарбияси оғир болалар ўртасида содир этилиши мумкин бўлган жиноятчилик, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш чораларига бағишлаб ўтказилган давра сўхбати «Камолот» ЁИХ ҳамза туман бўлими Кенгаши «Маҳалла умидлари» маркази томонидан уюштирилди.

● **КЕЧА** Шайхонтохур туманидаги 13-мактабда «Камолот» ЁИХ ва «Камалак» болалар ташкилоти сардорлари иштирокида «Якка тартибда ва гуруҳ шаклида болалар билан ишлаш» мавзусида семинар ўтказилди.

● **ПОЛЬША** миллий маданият маркази ташаббуси билан санъат ихлосмандлари эътиборига поляк мусиқалари асосида тайёрланган концерт дастури ҳавола этилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ «ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўламларини янада кенгайтириш ва кучайтириш, аҳолининг муҳтож тоифалари ва оилаларга, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга аниқ, табақалаштирилган тарзда ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш, аҳоли даромадлари даражасидаги фарқларнинг кескин ошишига йўл қўймастик, жамиятда ҳамжихатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини қоронғи топтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида:

1. Қўйидагиларни кўзда тутувчи «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

амалдаги ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини оширишга, аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига ёрдам кўрсатишда табақалашган тарзда ёндашишга қаратилган янги қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалдаги шундай ҳужжатларга қўшимча ва ўзгаришлар киритиш;

«Меҳрибонлик» уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини мустахкамлаш, боқувчисидан маҳрум бўлган болалар тўғрисида эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, «Сен ёлғиз эмассан» мақсадли вазифасини ҳаётга аниқ татиқ этиш;

аҳолининг ночор қатламлари – муҳтож оилалар, ногиронлар, ёлғиз қариёларни аниқ ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тадбирларини рўйб-га чиқаришда маҳаллар ролини ошириш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалда жорий этиш;

жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтириш чора-тадбирларини янада чуқурлаштириш, оналик ва болалик тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш, аёллар соғлигини мустахкамлаш бўйича ишларни такомиллаштириш ва «Соғлом она – соғлом фарзанд» ҳаракатини ҳар томонлама рағбатлантириш, жумладан, мактабларнинг юқори синфлари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув

юртлари ёшлари ўртасида тушунтириш ишлари ва факультатив машғулотлар ўтказиш;

ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими, «Меҳрибонлик», «Саховат» ва «Мурувват» уйлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва муносиб баҳолаш механизмини такомиллаштириш, уларнинг меҳнатини, шунингдек, умуман ижтимоий соҳа ходимлари меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш даражасини ошириш;

ёш авлоднинг ҳаётий муҳим манфатларини таъминлаш, ёшларнинг касб маҳорати ҳамда маънавий ўсишини моддий ва ахлоқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказишни ва спорт билан шуғулланишини ташкил қилиш, ҳаётга қадам қўяётган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлар комплексини тайёрлаш ва амалга ошириш;

фахрийлар ва пенсионерларга ёрдам кўрсатиш даражасини янада ошириш, уларнинг давлат ва жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаш, муҳтожларга бегараз ёрдам бериш.

2. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг бажарилишини ташкил этиш ва унинг мониторингини олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 декабрдаги Ф-2632-сонли Фармойишига мувофиқ ташкил этилган Республика комиссияси зиммасига юклансин.

Республика комиссияси аъзоларидан «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг асосий бўлимларини амалга ошириш бўйича 2-иловага мувофиқ таркибда Кенгаш ташкил этилсин.

3. Республика комиссияси ва «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга ошириш бўйича Кенгаш (Ш.Мирзиёев):

нидаги ҳафта мuddатда вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлик Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир идора, аҳоли пункти, туман, шаҳар ва минтақа бўйича «Ижтимоий ҳимоя йили» ҳудудий ва тармоқ дастурларининг иш-

лаб чиқилиши ва қабул қилинишини таъминласинлар;

республика ва ҳудудий давлат бошқаруви органлари ҳамда жамоат ташкилотлари даражасида ушбу Дастурнинг бўлимлари ва бандлари тўлиқ ҳамда сўзсиз бажарилиши бўйича ишларнинг мувофиқлаштирилишини ташкил этсинлар, Дастурга киритилган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсинлар;

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури билан тасдиқланган топшириқларнинг бажарилиши тўғрисида ҳар чорак якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти давонига ахборот тақдим этиб турсинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда, Тошкент шаҳрида ва туманлар (шаҳарлар)да Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва тегишли ҳудудлар ҳокимлари бошчилигида Дастурни амалга ошириш бўйича тегишли комиссияларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин, улар зиммасига Дастур тадбирларининг сўзсиз ва тўлиқ амалга оширилиши устидан ҳар ойлик мониторинг ва қатъий назорат олиб бориш вазифаси юклансин.

5. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситалари жамиятда эзгулик ва меҳрибонлик муҳитини мустахкамлашга алоҳида эътибор қаратган ҳолда «Ижтимоий ҳимоя йили»нинг мақсадлари ва аҳамиятини кенг қўламда тушунтириш, тадбирларнинг амалга оширилишини, шу жумладан давлат ташкилотлари ва маҳаллий ҳокимият органлари, ижтимоий ва нодавлат хайрия ташкилотлари, ижтимоий таъминот муассасалари, шунингдек, айрим фуқаролар, маҳаллалар, қорхона ва ташкилотлар жамоалари қўшаётган аниқ ҳиссани мунтазам ёритиб боришни таъминласинлар.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2007 йил 23 январь

Журналистика соҳасида «Олтин қалам» II миллий мукофоти

Жаҳон матбуоти эркинлиги кўнига бағишлаб ўтказилган бу танловга 2006 йилнинг 31 мартдан 2007 йилнинг 31 мартгача – бир йил давомида газета ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва Интернет саноатларида берилган материаллар 2007 йилнинг 10 апрелгача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот.

Ғолиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (журналистик материал учун миллий мукофот (даврий матбуот) – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (Интернет-журналистика – 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом,

«Олтин қалам» кўкрак нишони ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланади.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланади.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланади.

Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:

— журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;

— фаол фуқаролик позицияси учун;

— ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;

— ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;

— ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги энг яхши материал учун;

— мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-му-

ҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;

— энг яхши режиссёрлик иши учун;

— йилнинг энг яхши дебюти учун;

— энг яхши фоторепортаж учун;

— энг яхши карикатура учун;

— чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.

Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар диплом, статутка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланади.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда Интернетда эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмашлиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташуви воситанинг қандай қуринида бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва Интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:

— муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

— муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;

— паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини мукофотлаш 2007 йил 3 май - Жаҳон матбуоти эркинлиги кўни тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.
Материаллар «Олтин қалам» танловига деб кўрсатишган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим:
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри-100129,
Навоий кўчаси, 30-уй.
3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Телефонлар: 144-64-62; 144-64-61; 144-37-87; Факс: 144-69-65
E-mail: iiod@sarkor.uz www.Journalist.uz

Шаҳар сайлов комиссиясида учрашувлар давом этмоқда

ИЛГАРИ ХАБАР БЕРИЛГАНДЕК, 28 ЯНВАРЬ – ЯҚШАНБА КУНИ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ 15-ФЕРУЗА (МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ) ВА 52-УСТА ШИРИН (ЮНУСОБОД ТУМАНИ) САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ БЎЙИЧА БЎША ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА САЙЛОВЛАР БЎЛИБ ЎТАДИ.

Тошкент шаҳар Кенгашининг депутатлик корпусидаги иккита ўрин мандатларини қўлга киритиш учун дастлаб рўйхатдан ўтган ўн та номзоддан еттита беллашади.

Эслатиб ўтамиз, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси қарорига асосан қайд этилган сайлов округлари бўйича амалдаги барча бешта сиёсий партия ҳамда ўзини ўзи бошқариш органидан жами ўн та номзод рўйхатга олинди. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасига биноан шаҳар сайлов комиссиясига турли сабабларга кўра номзодликдан воз кечиш ҳақида ўн та номзод мурожаат этган бўлиб, уларнинг илтимослари қаноатлантирилди.

(Давоми 2-бетда)

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ижтимоий ҳимоя йилининг дастлабки кунларида Қўнғирот туманидаги Оқшўлоқ шаҳарчасида қувончли воқеа юз берди – «Ўзнефтегаз» миллий холдинг компанияси Жанубий Корея билан ҳамкорликда барпо этиладиган кимё мажмуасига рамзий қозик қўқилди. Бу қорхона мамлакат эҳтиёжлари ва жаҳон бозори учун катта ҳажмдаги полипропилен, полиэтилен маҳсулотлари, суоқ газ ишлаб чиқаради.

● Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан ташкил этилган қўмондонлик-штаб ўқув машқлари якунланди. Машқлар фавқулодда вазиятларда аҳолига ёрдам кўрсатиши лозим бўлган қўнғирот жанговар тайёргарлиги юқори эканлигини кўрсатди.

● Термиз шаҳрида «Капиталбанк»нинг Сурхондарё вилоят филиали иш бошлади. Янги йилда банк филиалининг ишга туширилиши хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш ва турларини кўпайтириш имконини беради. Банк маъмурияти мижозлар эҳтиёжига қараб, келгусида туманларда ҳам минни банклар очилиши мўлжалламакда.

● Ангрэндаги «Соғлом» қўрғонда жойлашган 27-умумтаълим мактабининг қишки спорт зали биноси ҳашар йўли билан тўлиқ таъмирланди. Бунинг учун шаҳардаги хорижлик сармояга эга «Саноатқалинқоғозсавдо» очик акциядорлик жамияти ҳамда «Ангрэн-ПОП» нефть-транспорт қорхонаси томонидан зарур қурилиш материаллари ажратилди.

● Ғузур туманидаги қишлоқ врачлик пункти сони яна биттага кўпайди – «Ғузур» ҳўжаллиги қўйивонлари истиқомат қилаётган Жонқара қишлоғи аҳолиси учун 127 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами билан қишлоқ врачлик пункти қурилди. Осиё тараққиёт банки ҳомийлигида ҚВПга 52 миллион сўмлик даволаш асбоб-ускуналари олиб берилганлиги эса аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшиламоқда.

● Қарши шаҳридаги Муллатўйчи Тошмухамедов номли вилоят мусикали драма театрида мамлакатимиз саноатининг етакчиларидан ҳисобланган «Шўртангазимё» мажмуасининг беш йиллик юбилейи бўлиб ўтди.

● Олмалик шаҳрида волейбол бўйича эркаклар олий лига жамоалари ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатининг иккинчи тури ниҳонга етди. Унинг натижаларига кўра кўп қарра мамлакат чемпиони «Ўзи-Самарқанд» вакиллари пешқадамликни сақлаб қолишди.

ЖАҲОНДА

● Грузия ҳукумати Абхазия билан дастлабки шартларсиз музокараларни бошлашга тайёрлигини билдирди. Мазкур масаланинг бугун БМТ Хавфсизлик Кенгашида муҳокама этилиши кутилмоқда.

● Европа Иттифоқи мамлакатлари ташқи ишлар вазирлари БМТ томонидан Эронга қўлланган санкцияни тўлиқ қўллаб-қувватлашлари ҳамда унинг шартларига амал қилишларини билдиришди. Ушбу баёнот Эрон МАГАТЭнинг 38 нафар инспекторини мамлакат ҳудудига киришини таъқиқлаганидан сўнг эълон қилинди.

● Россия ва Европа Иттифоқи гўшт ва сўт маҳсулотлари савдоси юзасидан меморандум имзолади. Унга кўра эндиликда икки томон ҳам гўшт ва сўт маҳсулотлари савдосида уларнинг хавфсизлиги ва сифатига бирдек жавобгардир.

● Кеча Ливан пойтахти Байрутда Ҳасан Насрулла бошчилигидаги «Хезбаллох» гуруҳи аъзолари бўйсунмаслик акциясини эълон қилиши муносабати билан оммавий тартибсизликлар юзга келди. Тўқнашувлар оқибатида 40 га яқин киши тан жароҳатларини олди, кўпгина хорижий авиакомпаниялар Ливанга ўз рейсларини бекор қилишди.

● Свердловск областидаги кўп қаватли уйларнинг бирида маийш гезининг портлаши натижасида олти киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Маълум бўлишича ушбу уйда газ ўтказиш ишлари амалга оширилган экан.

● Владивостокда телебешловчи Владимир Боровковнинг ўлимида гумон билан икки киши ҳибсга олинди.

● Санкт-Петербургда 140 миллион рубль қийматга эга, XVII-XIX асрларда тайёрланган 226 донна турли осори-атиқаларнинг ўғирлиги бўйича ёпик суд мажлиси бошланди. Шунинг айтиш керакки, ҳозирга қадар ўғирланган экспонатлардан 31 таси музейга қайтарилди.

● Камбоджада бундан 18 йил олдин ўрмонда йўқолган ва йирткич хайвонларга ем бўлган дея тахмин қилинган қиз ўрмончилар томонидан топилди. Фақат ота ва она сўзларини биладиган ушбу қиз ижтимоий ҳаётга қайтадан мослаштирилмоқда.

● «Forbes» журнали шоу-бизнеснинг энг бой вакиллари рўйхатини эълон қилди. Рўйхатни АҚШлик телебешловчи Опра Уинфрей бошқармоқда. Унинг бисотида 1,5 миллиард долларлик жамғарма бор. Мега-юлдузлар рўйхатида энг сўнгги 20-ўринни эса актриса Рене Зеллвегер 45 миллион доллар билан банд этиб турибди.

ОБ-ҲАВО ОАЛҒОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг хабар беришича, 25 январь кунги Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб айрим қойларга туман тушади. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-2, кундузи 7-9 даража иллик бўлади.

ИШГА АМАРҲАМАТ!

Мусохаба

ҲАМЖИҲАТЛИККА ТАЯНАМИЗ

БУГУНГИ КУНИМИЗНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАСИГА АЙЛАНГАН АҲОЛИНИ ДОИМИЙ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ЙИГИЛИБ ҚОЛГАН ҚАТОР МУАММОЛАРГА ТЎҒРИ ЕЧИМ ТОПИШ ПОЙТАХТИМИЗДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИНИНГ МЕҲНАТ, АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИ ТАСАРУФИДАГИ БАРЧА ТУМАН МЕҲНАТ БЎЛИМЛАРИ ЖАМОАЛАРИНИНГ ЗИММАЛАРИДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФА ҲИСОБЛАНАДИ. БУГУНГИ СУҲБАТДОШИМИЗ БЕКТЕМИР ТУМАНИ МЕҲНАТ БЎЛИМИ РАҲБАРИ МАНСУР ТОЛИБОВ БИЛАН ЖАМОАНИНГ ЎТГАН ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ ҲАМДА ЖОРИЙ ЙИЛГА БЕЛГИЛАНГАН РЕЖАЛАРИ ҲАҚИДА СУҲБАТЛАШДИК.

— Мансур ака, ўтган йилни жамоангиз қандай ютуқлар билан яқунлади?

— Жамоамизнинг асосий вазифаларидан саналган доимий банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида самарали сайё-ҳаракатларни амалга оширдик. Аввало туманимизда мавжуд 12 та маҳалла билан ҳамкорлик, ҳамжиҳатликка асосланган ҳолда иш билан банд бўлмаган аҳолини рўйхатга олиш, уларни ўзлари хоҳлаган мутахассисликлар буйича ишга жойлаштириш, шунингдек, касбга ўқитиш ва қайта ўқитишни қатъий режага асосан амалга оширдик. Бу ишларни бажаришда давлатимизнинг бевосита гамхўрлиги, яъни юртимиз иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида эълон қилинган Президентимизнинг қатор Фармон ҳамда Қарорларини бажариш йўлида янги иш жойлари яратилиши ютуқларимиз омили бўлди.

Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, ўтган йили меҳнат бўлимининг қўлида 537 нафар фуқаролар ишга жойлаштириш мақсадида мурожаат этишди. Улардан 230 нафари аёллар бўлиб, йил давомида бўлимининг жамоаси томонидан 440 нафар фуқароларга туманимизда ва пойтахтда фаолият

юритаётган корхона, ташкилотларга йўланмалар берилди ҳамда ишга жойлаштирилди, 24 нафар фуқаролар эса жамоат ишларига жўнатилди. Жумладан, бошқармага қарашли Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш марказига 95 нафар фуқаролар йўланмалар билан юборилди. Иш самардорлигини ошириш мақсадида меҳнат бўлимининг жамоаси ўтган йили «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» меҳнат ярмаркасини «Миришкор» маҳалласи ҳамда «Сувчи» даҳаси худудига уюшқоқлик билан ўтказди.

— Туманда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалаларига эътибор қандай?

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида меҳнат бўлимининг жамоаси томонидан бир қанча ишлар амалга оширилди. Масалан, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган 5 нафар аёлларга кўмаклашмоқда—банкдан тегишли маблағ олиш учун ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда...




Бундан ташқари, ишсизларга кўмаклашиш жамғармаси ҳисобида «YANGI-ALTOR-MEX» корхонаси учун 150 миллион сўм ҳамда «TURON» корхонаси учун 50 миллион сўм маблағ ажратилди. Ушбу корхоналарда 50 фоздан кам бўлмаган ишловчиларни аёллар ташкил этишини алоҳида таъкидламоқчиман.

Туманимизда истиқомат қилувчи аҳоли орасида ижтимоий ҳимоя, ёрдамга муҳтож қатлам—кам таъминланган, кўп болали оилалар, ногирон, ногирон фарзандни боқайётган фуқаролар ҳам бор, албатта. Бундан ташқари 2 ёшгача ва 18 ёшгача фарзандларига нафақа олувчи аҳоли меҳнат бўлими жамоасининг диққат-эътиборида.

Жумладан, туманимизда фаолият юритаётган корхона, ташкилотлар томонидан меҳнат бозоридан тенгма-тенг рақобатга кириша олмайдиган фуқаролар учун 338 та квотали—маҳсус иш жойлари яратилган. Алоҳида ёшлар ҳамда аёлларни муҳофазалаш учун меҳнат бўлимининг жамоаси самарали сайё-ҳаракатларни режали равишда амалга оширмоқда. Масалан, битирувчилар билан алоҳида иш олиб борилди. Уларнинг ишга жойлаштириш имкониятлари, бўлимининг фаолият доираси, малакали ҳамкорлик ва бошқа кўплаб керакли маълумотлар мутахассисларимиз томонидан етказилади.

Жорий йил бошидан бизга маҳаллалардан ёрдамга муҳтож 742 та оилалардан ариза тушган бўлса, улардан 682 та оиллага 25481,50 минг сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилган. Шунингдек, 2 ёшгача фарзанди учун нафақа тайинлашни сураб 256 нафар фуқаро ариза билан мурожаат қилган ҳамда улардан 201 нафарига 50340,05 минг сўм нафақа пули тўланган. 18 ёшгача фарзандлари бор оилалардан эса 455 та ариза тушган, 358 нафар фуқароларга ўтган йили 29278,80 минг сўм нафақат пули берилди.



Бундан буён ҳам туманимиз аҳолисига мададкор, таянч бўлиш мақсадида, айниқса 2007 йилнинг — Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилинганлиги боис аниқ режаларни белгилаб, фаолият юритишни бошлаганмиз. Фаолиятимизда жамоамиз ахли албатта, маҳаллалар оқсоқоллари, фаоллари, корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарлари кўмағига, ҳамжиҳатлигига таянади.

Мухаббат ҲАБИДУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА: Бектемир туман меҳнат бўлими жамоасининг иш фаолиятдан лавҳалар.

МИЛЛАТИМИЗНИНГ ҚОН-ҚОНИГА СИНГИБ КЕТГАН АЗАЛИЙ, ЎЛМАС ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ БЎЛГАН ОИЛАДАГИ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ—ЭРТАНГИ КҮН УМИД ЧЕЧАКЛАРИМИЗНИ ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИГАН ГЎЗАЛ ХУЛҚЛИ, ЖИСМОНАН БАҚУВВАТ, БИЛИМЛИ, БИРОП КАСБ-ҲУНАР ЭГАСИ, МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШ БОРАСИДА ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН КЕНГ КЎЛАМДАГИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИНИ БАЖАРИШДА ТОШКЕНТ ЭНГИЛ САНОАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИДА ЭРИШИЛАЁТГАН ЮТУҚЛАР ТЎҒРИСИДА ЎҚУВ МАСКАНИ ДИРЕКТОРИ СОҒЬЯ НАЗАРОВА ҚҮЙИДАГИЛАРНИ СЎЗЛАБ БЕРДИ:



Ёшлар—келажакимиз

МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ



—Таълим масканимизда бугунги кунда 317 нафар ўқувчилар тикувчилик соҳасининг ишлаб чиқариш устаси йўналиши буйича таҳсил олишмоқда. Мустақиллигимиз шарофати билан ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш лойиҳаси доирасида касб-ҳунар коллежларини умумтаълим ва касбий фанлар буйича энг замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари билан таъ-

ларга тикувчилик касбига меҳр-муҳаббат уйғотишда малакали ўқитувчилар ҳамда касбини эъозлаётган ишлаб чиқариш усталарининг меҳнати таҳсинга лойик.

Қизларимизнинг ўқиш давридаги ҳаётлари жўшқин, серқирра. Масалан, режавий дастурлардан ташқари, ўқувчилар учун фан тўғрисида, модельер-дизайнчи, тикувчилик ишлаб чиқариш устаси, шахмат, шашка, теннис тўғрисида фаол ишлаб туради. Жумладан, техник ижодиёт тўғрисида, «Шарк гўзали» моддалар театри ҳам ёшларимизнинг дарслардан бўш вақтларини мазмунли ҳамда фойдали ўтказишлари учун ихтилат қилмоқда.

Шунингдек, коллежимиз жамоаси аниқ режа асосида пойтахтимиз мактаблари битирувчиларининг мутахассисликка кириш, яъни касб-ҳунар танлашига кўмаклашиш мақсадида таълим масканида «Очиқ эшиклар куни» тадбирини аънавий тарзда ўтказиб келади. Бунинг замирида албатта, педагог-ўқитувчилар, ишлаб чиқариш усталари ва ўқувчи қизларимизнинг машаққатли меҳнати, ижодий изланишлари ётади. Айни кунларда таълим масканимизда навбатдаги тадбир тадбиригиз қизгин бормоқда. Коллежимизга бу сафар шахримиздаги барча ўрта мактабларнинг юқори синф ўқув-

чилари, битирувчилар, уларнинг ўқитувчилари ҳамда ота-оналари таклиф этилди.

Барча қатнашчилар ўзларини қизиқтирган масалалар буйича малакали маслаҳат олишлари, коллежда ёшларнинг ўқиш жараёнлари, қўшимча таълим ҳақида батафсил маълумотлар билан яқиндан таништириш кўзда тутилган. Эътиборли томони, тадбирда барча бошқич ўқувчилари ўзларининг ижодий ишлари намойиши билан қатнашчиларни мамнун этишди. Ақл-фаросатли, оқила, уddaбурон, кўли гул тикувчи қизларимиз ҳамда изланувчан, янгиликка ўч, ташаббускор, аънавийлик билан замонавийликни ўзаро уйғунлаштиришни қўйилмақом бажараётган модельер-дизайнчиларнинг ҳамжиҳатлигидаги интилишлари таҳсинга лойик.

Коллежимиз жамоаси бозор иқтисодиёти шариоити талабларидан келиб чиққан ҳолда иш юритиб, шахримиздаги корхоналар билан ўқувчиларнинг амалиёт ўташлари учун узок муддатли шартномалар тузган.

Амалиёт даврида ўқувчиларнинг ишлаб топган маблағларининг маълум қисми, таълим масканида фаолият юритаётган пуллик ўқув курсларидан тушган маблағ ҳисобига ўқитувчи ва ўқувчилар рағбатлантирилади, шунингдек, кам таъминланган оилалар фарзандларига моддий ёрдам ҳам кўрсатилади.

Самарали сайё-ҳаракатларимиз туфайли ўқувчиларимиз туман, шаҳар, республика миқёсида ўтказилган танлов ва кўриқларда совринли ўринларни қўлга киритишмоқда. Масалан, ўтган — 2006 йилда ҳам биринчи халқаро «Таълим—2006 йил» кўргазмасида ҳамда аънавий ўтказиладиган «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг туман босқичида қизларимиз совриндор бўлиб, диплом ҳамда қимматбаҳо совғаларни қўлга киритишди.

Қисқаси, коллежимизда бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ёшларга таълим бериш, уларнинг маънан етуқ, баркамол инсон, малакали мутахассислар бўлиб етиштирилиши йўлида жамоамиз ахли жонбозлик кўрсатмоқда. Ҳаракатларимиз самара беришига эса албатта, ишонамиз.

Мукаддас АБДУРАСУЛОВА
СУРАТЛАРДА: Тошкент Энгил сааноат касб-ҳунар коллежи ҳаётдан лавҳалар.

Сўранг, жавоб берамиз

ҚАЕРГА МУРОЖААТ ЭТАМАН?

ИШЛАЁТГАН КОРХОНАМДАН БЎШАГА, МЕҲНАТ ДАФТАРЧАМНИ ЙЎҚОТИБ ҚҮЙДИМ. БУНДАЙ ҲОЛДА МЕН ҚАЕРГА МУРОЖААТ ЭТИШИМ МУМКИН? ШУ ҲАҚДА ТЎЛИҚРОҚ МАЪЛУМОТ ОЛИШНИ ИСТАРДИМ.

Манзура Илҳомова, ишчи, Миробод тумани.

Мабодо шундай ҳолат юз берса, фуқаро ариза билан меҳнат дафтарчасининг дубликатини ёзиб беришни сураб охириги иш жойига мурожаат қилишга ҳақли. Ариза қабул қилинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай иш беворчи ходимга меҳнат дафтарчасининг дубликатини муассасида қолган ходимнинг Т-2 шаклидаги шахсий карточкасидаги ёзувлар асосида ёзиб бериши шарт.

Ходимга янги меҳнат дафтарчаси ва унинг дубликати ёзиб берилганда ундан белгиланган энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдорда ҳақ ундириб олинади.

Меҳнат дафтарчаларини амалдаги Қонунлар асосида юритиш, назорат қилиб бориш Меҳнат Кодексининг 9-моддасига асосан касоба уюшмаларининг ҳам асосий вазифалари сирасига кирди.

ҚОНУНДА ҚАНДАЙ БЕЛГИЛАНГАН?

ПОЙТАХТИМИЗДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ФИРМАГА МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ҲАҚИДА ТАДБИРКОР СИФАТИДА ЎЗАРО ШАРТНОМА ИМЗОЛАГАН ЭДИК. ЯҚИНДА ЭСА МАЗКУР ФИРМА ТУГАТИЛАЁТГАНЛИгини ЭШИТИБ ҚОЛДИМ. МЕНИ УШБУ ФИРМА ЎЗ-ЎЗИДАН ТУГАТИЛИБ КЕТИШИ ЁКИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ МУМКИНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТ ҚИЗИҚТИРАДИ.

Жамшид Аслидинов, хусусий тадбиркор, Собир Раҳимов тумани.

Қонун буйича юридик шахсни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, ушбу қарорни қабул қилган юридик шахс ўз муассислари ёки кредиторларини бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилиши шарт ҳисобланади.

Бу ҳақда хабар топган кредитор юридик шахснинг қарздор бўлишига олиб келган мажбуриятларни бекор қилишга ёки зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли. Агар юридик шахс қайта ташкил этилмасдан батамом тугатилаётган бўлса, унда у ўз-ўзидан тугатилиб кетмайди, яъни у олдинги фаолияти туфайли келиб чиққан барча мажбуриятлар (жумладан, ўзаро тугатилган шартномалар) юзасидан жавобгарликни тўла равишда бажарганидан кейингина суд орқали тугатилади.

Шаҳар сайлов КОМИССИЯСИДА УЧРАШУВЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Демак, энди бўшаб қолган ўринларга ўтказиладиган сайловларда «Адолат» социал демократик партиясидан — Иккита, ЎзЛиДеП, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан, Фидкорлар миллий демократик партиясидан ҳамда ўзини-ўзи бошқариш органидан биттадан номзод иштирок этади. Айни кунларда ушбу номзодлар ташвиқот ишларини давом эттирмоқда. Оқрулар миқёсида округ ва участка комиссиялари томонидан номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари ташкил этилмоқда. Ўз фаолияти дастурлари билан бевосита сиёсий партиялар ҳам чиқишлар уюштираётди. Ташкилий масалаларда туман ҳокимликлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам барча шароитларга эга учрашув жойларини ташкил этиш борасида кўмаклашмоқда.

Оқру сайлов комиссиялари томонидан шаҳар сайлов комиссиясига келиб тушган маълумотларга қараганда, депутатликка номзодлар томонидан уларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олиш юзасидан аризалар тақдим этилиши давом этмоқда. Оқруда қайд этилган Қонуннинг 26-моддасига мувофиқ, ҳар бир номзод уч нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиш ва улар ёрдамида сайловда ташвиқот ишларини янада кенгрок олиб бориш имкониятига эгадир. Қонунда кўра, ишончли вакиллар номзоднинг манфаатларини маҳаллий давлат органлари ва жамоат бирлашмаларида, сайловчилар билан ўзаро муносабатларда, шунингдек, сайлов комиссияларида ҳимоя қилади.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, мамлакатимиз сайлов қонунчилиги депутатлар сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш устидан жамоатчилик кузатуви (назорати)ни амалга ошириш учун имконият беради. Бу эса сайлов жараёнлари очиклиги ва ошқоралигининг энг муҳим шартларидан биридир. Бундай ҳуқуқ сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг кузатувчиларига, оммавий ахборот воситалари вакилларига, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотларнинг кузатувчиларига берилади. Кузатувчининг вазифаси сайлов тамойилларини, сайловчилар овозларини ҳисоблаб чиқиш тартибини, овоз бериш натижалари тўғрисидаги сайлов комиссиялари баённомаларини тўдириш тартибини бузмаган ҳолда овоз беришни ҳалол ва адолатли ўтказишни таъминлашга кўмаклашидир.

Қонунчилик доирасида бундай кенг ҳуқуқ ва ваколатлар берилганга қарамастан, барча ташкилий ишларни амалга оширишга мутасадди бўлган оқру сайлов комиссиялари номига ўз кузатувчилари ҳақидаги аризалар билан ҳозирча номзодларни кўрсатган сиёсий партияларнинг ҳаммаси ҳам мурожаат этмаган. Ўз навбатида, депутатликка номзодларнинг бари ҳам ишончли вакилларини белгилаб олмаган.

Бўшаб қолган ўринларга сайловларга тўрт кун қолди. Демак, бевосита ушбу жараён иштирокчиларида ташкилий масалаларга, шу жумладан ишончли вакиллари ва кузатувчиларига оид масалаларга аниқлик киритиб олиш учун ҳали имкониятлари бор.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

Иқтисодиёт

ЙИРИК СУПЕРМАРКЕТЛАРДА СОТИЛМОҚДА

РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР ТАЙЁРЛАШНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИБ, ИЧКИ БОЗОРДА ЎЗ ЎРНИНИ ТОПАЁТГАН ТАДБИРКОРЛАР, ЭНДИЛИКДА ИМКОНИЯТЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИБ ТАШҚИ БОЗОРГА ЧИҚИШ, ЭКСПОРТ ҲАЖМИНИ ОШИРИШГА САЙ-ҲАРАКАТ ҚИЛИШМОҚДА.

«FAVSA-TEXTILE» масъулияти чекланган жамияти ана шундай тадбиркорлик билан иш юритаётган жамоалардан саналиб, ўтган қисқа давр мобайнида ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот турлари, шунинг баробарида ишчилар сони ҳам ортиб бормоқда. Энг асосийси эса хориқниқидан асло қилишмайдиган товарлар тайёрлаётган корхона ахли эндиликда ушбу сифатли маҳсулотларни Россия ва Америка давлатларига экспорт қилишни режаляб туришди.

Ўтган йилда корхона цехлари Туркиядан келтирилган Англия, Америка ва Жанубий Кореянинг замонавий пайпоқ тўқиб ва ўраш линиялари билан жиҳозланди. Бу эса маҳсулотлар, яъни пахта ва сунъий иллардан тайёрланаётган эркаклар пайпоқлари сифати ва турларини оширишда муҳим аҳамият касб этди.

— Маҳсулотларимизни шахримиздаги йирик супермаркетлар орқали харидорларга етказиб бераёламиз, — дейди корхона директори Файзулла Толипов. — Жорий йилда яна бир неча турдаги пайпоқларни ишлаб чиқарамиз. Асосийси эса маҳсулотларимизни четта ҳам сотиб, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўлишни мақсад қилганмиз. Албатта, қўшимча ишни ўринлари ҳам яратиб, ёшларни иш билан таъминлаймиз.

ЯНГИ МАҲСУЛОТ ЧИҚАРИЛАДИ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИНИНГ ОРТИБ, ЯНГИ-ЯНГИ МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАШНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ ВА ШУНИНГ БАРОБАРИДА БОЗОРДА ЎЗ ЎРНИГА ЭГА БЎЛИБ БОРИШИ ҲАР БИР КОРХОНАНИНГ ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН РИВОЖЛАНАЁТГАН ДАРАК БЕРАДИ.

Бугунги кунда Бектемир туманида фаолият кўрсатаётган «Прогресс РСФ» хусусий корхонасида тайёрланаётган ювиш ва тозалаш воситалари нафақат оила бекаларига, балки кўплаб ташкилот ва муассасалар ходимларига ҳам қўл келмоқда. Боиси, иккиламчи хом ашёни қайта ишлаш асосида тайёрланаётган ушбу маҳсулотлар ишлашда қулай, соғлиқингизга зарар қилмайди, тез ва самарали фойда беради.

Кичик корхона маҳсулотларининг ўз буртомчилари бўлиб, шунингдек, пойтахтимиздаги савдо шохобчалари билан шартнома асосида маҳсулот етказиб беришга ҳам эътибор қаратилган. 2005 йилда корхона цехларида 22 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, ўтган йил ақунлари янада баракали бўлди, яъни икки баравар кўп ювиш ва тозалаш воситаларини ишлаб чиқаришга эришилди. Бу борада, албатта корхонада меҳнат қилаётган 7 нафар мутахассиснинг хизматлари катта. Маҳсулот турлари эса 15 хилдан ортиди. «Антизанг», «Полирол» сингари янги маҳсулот турлари яратилди.

Жорий йилда ҳам жамоа ахлининг изланишлари давом эттирилади. Тадбиркорлар оқитирувчи воситаларининг янги турлари, канализация қувурлари учун тозалаш воситалари ҳамда хилма-хил шампунлар тайёрлашни кўзда тутишган.

Шарофат БАХРОМОВА

Шарқ дурдоналари



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

Кунлардан бир кун Анушервон ўз мулозимларидан: "Энг юмшоқ нарса нима?" — деб сўради. Биров: "Шохи", деб жавоб берди. Биров: "Товуқ патлари", деди. Яна бирови-эса: "Шохидан ҳам юмшоқроқ нарса нима бўлиши мумкин?" — деди. Шу пайтда бир йигит сарой тепасида турган эди. У мулозимларнинг жавобидан Анушервоннинг кўнгли тўлмаганини кўриб, сўзлашга ижозат сўради. Ижозат бўлган деди: "Энг юмшоқ нарса тинчликдир!" Анушервон унга офарин айтди ва яна сўради: "Энг яхши овқат нима?" Йигит: "Шахвоний куватни оширмайдиган ва танда иллат қўзгатмайдиган овқат энг яхши овқатдир", деди. Яна сўради: "Энг яхши шароб қайси?" Йигит: "Ақлни зое қилмайдиган ва касаллик пайдо қилмайдигани", деб жавоб берди. Яна сўради: "Гулларнинг ичида энг ширин хидлиси қайси?" Йигит: "Ота-она тириклигида уларни хурсанд қиладиган, ўлгандан кейин эса уларнинг номини боқийлаштирадиган ҳаёт гули бўлмиш фарзанд", деб жавоб берди.

Анушервон йигитни тақдирлади ва ўз ҳақимлари орасига олди. Байт:

Дано ноҳорликда қолса ҳам бир кун, Умиди ҳосилдан кўрсатар нишон. Мушкни кўр, либосга беркилтиса ҳам, Хид сочиб ўзини қилур намойи!

Муниддин ЖУВАЙНИЙ

Одоб — улғулик ва юксаклик қасрининг нарвони, бу нарвон орқали барча мақсад ва манзилга етиш мумкин. Шарм гулзоридан эса барча муддао гулини дастлаш мумкин. Латиф сирларнинг ҳақиқатини англовчилар ва ҳар қандай рамз маъносини тадқиқ қилувчилар айтишлари, одамийлик рисоласининг дарсларини ўқига азм қилиб, бахтиёрлик кўчасига қадам қўювчи ҳар бир инсонга, аввало, шарму одоб қоидадини ёд қилмоқ шартдир. Токи бахт муаллимнинг йўлнамаси билан ҳаёт қонунининг илмий идрок қилишида билимли ва уста бўла олсинки, ҳақиқатан ҳам, инсоният учун одоб аҳоли тож ва одамийлик беағзи учун қиммат-баҳо гавҳардир.

Бархурдор ибн МАҲМУД

Дегул инсон десанг ани не ажаб, Бўлмаса қирқ яшарда ақлу адаб.

Сайфи САРОВИЙ

Одобли одам табиғга ўхшади, у билан сўхбатлашиш кўнглидаги гамни қувади.

"ОТАЛАР СЎЗИ"

Бир кун халифа Маъмун одоб билан сўзлаётган бир боладан: "Кимнинг ўғлисан?" деб сўради. Бола: "Одобнинг ўғлиман", деб жавоб берди. Бу жавобни эшитган Маъмун: "Қандай чиройли отанг бор экан-а", деб унга тахсин ўқиди.

Муҳаммад ЗЕХНИЙ

Улғурсан, санда бор бўлса адаб, Улғурсан, санга ёр бўлса адаб, Одам эрсанг, ташки суратга берма зеб, Она юртингни ҳаминча айла зеб.

Анбар ОТИН

Адаб бир булутки, унинг бир томчи ёмғири яхши кишиларнинг амал экинзорига ёғса, умид полизини абадий кўкаламзорга айлантиради ва яхши ном ҳосилдан фойда хирмонини барпо қилади.

Бархурдор ибн МАҲМУД

Отанг-онанг тарбиятига қил гузар, Холина айлаб назар, олгил хабар.

Саид ҚОСИМИЙ

Ўзингдан кейингиларга ибрат бўлай десанг, ўзингдан илгаригилардан ибрат ол.

"ОТАЛАР СЎЗИ"

Ҳақиқий инсон ҳаминча илм ва ҳунар олишга интилади. Илм бир дарахт бўлса, одоб унинг мевасидир. Одобсиз олим мевасиз дарахтдир.

Муҳаммад ЗЕХНИЙ

Ҳар бир киши касб-корни мукамал билмоғи, яхши тарбия олмоғи ва яхши хулқ-одоб, фазилатларга эга бўлмоғи керак.

Абу Наср ФОРОБИЙ

Ҳикмат арбобларининг айтишларича, кишининг вужуд гули одоб ранги ва хиддан холи бўлса, у киши одамлар назарида тикандек хору бекадр бўлади, халқ кўнгли у билан сўхбатлашадан қолади ҳамда бегона-ошнолар ундан юз ўгирадилар. Унинг аҳоли саҳифасига нафрат қалами билан узоклик ва бегоналик белгисини қўядилар. Шунинг учун бешарм ва одобсиз кишилар давроннинг даққиси ва танбехидан ўзларининг озодлик қанотларини сингган ҳолда кўрадилар ва уларнинг меҳру муҳаббати ҳеч кимнинг дилига ҳеч қачон ўтирмайди.

Бархурдор ибн МАҲМУД

Ҳаёт энг яхши мураббийдир.

"ОТАЛАР СЎЗИ"

Тарбия таъсир қиладиган кишилар уч тоифага бўлинди. Биринчиси — ҳануз оқ билан қорани танимаган бола. Унинг табиати ҳали ёмонлик губори билан булганмаган, юраги эса ботил ишлар ўзлматы билан қораланмаган бўлади. Бундай болага насиҳат тез таъсир қилади. Бундай болани тўғри йўлга осонлик билан ўргатиш мумкин.

Иккинчиси — оқ билан қорани ажратадиган бўлиб қолган бола. Улардан баъзилари ўз нафсининг ғалабаси билан яхшилик томонга бурила олмай юрган бўлади. У қилаётган ишининг ёмонлигини билади. Нуқсонларини эътироф этади. Бундай одамни тарбиялаш биринчисига нисбатан қийинроқ, аммо унга доимий тарбия берилса, ҳар хил насиҳатлар ва танбехлар бериб борилса, албатта, яхши йўлга қираиб кетади.

Абулрахот КОДИРИЙ

Маҳмуд ҲАСАНИЙ

тайёрлаган

Хусусий тадбиркор Набиходжаева Вазира Шоназаровна номига Чилонзор буюм бозорига тадбиркорлик қилиш учун Шайхонтоҳур туман ҳокимияти томонидан берилган №027154 гувоҳномаси ва тадбиркорлик даромадининг ҳисобга олиш дафтри, ҳисобга олиш картаси ва боғжона ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЧЕМПИОНЛАР МАКТАБИ

БИР ЙИЛДАН ОШДИКИ, ШАХРИМИЗДАГИ 66-ЁРДАМЧИ МАКТАБНИНГ ЎҚУВЧИЛАРИ ЙИРИК ХАЛҚАРО МУСОБАҚАЛАРДА УЛКАН ЮТУҚЛАРНИ ҚўЛГА КИРИТИБ КЕЛИШМОҚДА.

Масалан, «Спешал олимпикс» дастури бўйича 2006 йилда Марказий Осиё ўйинларида умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллашган бўлса, яқка тартибда енгил атлетика, жойдан туриб узунликка сакраш баҳсларида олтин нишонларни қўлга киритишди, Европа футбол ҳафталигида голиб чиқишди. Италияда ўтказилган паролимпиада ўйинларида тўп билан кўпкураш бўйича Руслан Мелодиев қумуш, унинг жамоасидан Алина Нуштаева боулинг мусобақаларида бронза медалларининг соҳиблари бўлишди. Муваффақиятлар 2007 йилда

ҳам давом этмоқда. Жумладан Шайхонтоҳур туманидаги 90-мактабда бўлиб ўтган пойтахтдаги мактаблар ва интернатлар ўртасидаги «Спешал олимпикс»нинг киши биринчилигида армрестлинг, стол тенниси, шашка бўйича 66-мактабнинг ўқувчилари Ҳасан Ҳалимов, Баҳодир Насриддинов, Шавкат Тожиёвлар олтин медалларни қўлга киритишган бўлса, шахмат мусобақаларида Бехзод Абдукаримовга иккинчи ўрин насиб этди. Албатта, бундай ютуқларнинг ортида мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси Рашид Сафариевнинг ҳиссаси катта. У болаларнинг ҳар бирига алоҳида ёндашган ҳолда, энг ёрқин қирраларини ривожлантиришга ҳаракат қилади.

— Биринчи навбатда мен ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратаман ва шу асосда ўз машғулотларини ўтказаман, — дейди биз билан сўхбатда Рашид Сафариев. — Масалан, битта ўсмирнинг жисмоний ҳолати енгил атлетикага мос бўлса, бошқаси стол теннисини қотиради, учинчисиники эса акробатикага мойил. Уларнинг жисмоний ҳолатлари, гавдасининг тузилишига аҳамият бериш лозим. Энг муҳими, ёш спортчиларни ғалаба сари руҳлантириш, пайти келганда эса натижаларни қатъий талаб қилиш жоиздир.

Спорт



СУРАТДА: Рашид Сафариев ва унинг паролимпиада ўйинларининг голиби бўлган шоғирди Руслан Мелодиев машғулот пайтида. **Алексей Попов олган сурат**

Каратэ ХАМИОРТЛАРИМИЗ — ИККИНЧИ

УКРАИНА РЕСПУБЛИКАСИНING ПОЙТАХТИ КИЕВ ШАХРИДА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА КАРАТЭ БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН «КИЕВ КУБОГИ» ХАЛҚАРО ТУРНИРИ СЕРҚУЁШ ДИЕРИМИЗДА УШБУ СПОРТ ТУРИ ЖАДАЛ СЎРАТДА РИВОЖЛАНИБ БОРАЁТГАНЛИГИНИ ЯНА БИР ҚАРРА ИСБОТЛАДИ.

Чунки 15 та мамлакат терма жамоалари иштирок этган ушбу нуфузли турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 1 та олтин, 1 та қумуш ва 3 та бронза медалларини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллашди.

Футбол

ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ

МАЪЛУМКИ, ҲАР ЙИЛИ ЯНВАРЬ ОЙИДА МДХ ЧЕМПИОНЛАРИ ИШТИРОКИДА РОССИЯ ПОЙТАХТИ МОСКВА ШАХРИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ТУРНИР УЮШТИРИШ АНЪАНА ТУСИНИ ОЛГАН.

Жорий йилда ҳам ушбу анъана бузилмади. Москвада бошланган мусобақаларда Ватанимиз шарафини бу сафар ҳам мамлакат чемпиони «Пахтакор» ҳимоя қилмоқда. «С» гуруҳида Украинанинг «Шахтёр», Арманистоннинг «Бананц» ҳамда Латвиянинг «Вентспилс» жамоалари билан куч синашадиган «Пахтакор» футболчилари айтиш жоизки, дастлабки баҳсда зафар қўчиди. Арманистоннинг «Бананц» жамоаси билан куч синашган пахтакорчиларга рақибларини енгил қийинчилик туғдирмади. Аксинча, тажриба ва маҳорат бобида арманистонликлардан устун бўлган тошкентлик футболчилар 90 дақиқа мобайнида рақиблари дарвозасини уч марта аник нишонга олишди ва ўз дарвозалари дахлсизлигини сақлаб қолди. Дарвозага тўпларни Жепаров (2 та), Клецков йўллашди.

Шунингдек, ушбу гуруҳнинг «Шахтёр» — «Вентспилс» учрашувида 1:1 ҳисоби қайд этилди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Теннис

ДАСТАБКИ ЮТУҚЛАР

ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ ТУФАЙЛИ ТЕННИС ЁШЛАР ОРАСИДА ТОБОРА ОММАЛАШИБ БОРАЁТГАНЛИГИ ҚУВОНАРЛИ ҲОЛ.

Буни ўзбек тенниси юлдузи Ирода Тўлаганованинг издошлари Окгул Омонмуродова, Денис Истоминаларнинг халқро турнирларда қўлга киритаётган ажойиб ғалабалари ақвол исботлаб турибди.

Шуниси қувонарлики, Халқро теннис федерациясининг ташаббуси билан Бирлашган Араб Амирикларининг Дубай шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқро теннис турнирида ҳамюртларимиз муваффақиятли иштирок этишди. Аввало, турнирда пухта тайёргарлик кўрган Рифат Биктоков бош соғирга даъвогар сифатида мутахассислар мухлисларида илқ таассурот қолдирди. Яна бир ҳамюртимиз Шаҳноза Қориева жуфтлик баҳсларида уммонлик Фотима ан-Набиҳоний билан бирга финалда белоруссиялик Мария Ковалёва ва украиналик Кристина Казимоваларни мағлуб этиб турнир голиблигини қўлга киритди. Шунингдек, Хиндистонда ўсмирлар ўртасида ташкиллаштирилган турнирда Рифат Биктоков хиндистонлик Харшвардзон Тиренини биринчи учрашувдаёқ мағлуб этди. Жуфтлик баҳсларида ҳам Рифат яна бир теннисчимиз Темир Комилов билан бирга Кристофер Маркуш ва Суданва Ситардан устун келди. Дарвоқе, қизлар ўртасидаги жуфтлик баҳсларида илқ бор турнирда иштирок этаётган бўлишига қарамай ҳамюртимиз Нигора Сирожиддинова хиндистонлик Кумари Солонхо билан бирга дастлабки ажойиб ғалабасини нишонлади.

Умида ЭГАМБЕРДИЕВА

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент Давлат юридик институтини қошидаги академик лицейи Маънавият ва маърифат ишлари ҳамда Чуқурлаштирилган фанлар бўйича директор ўринбосарларининг бўш (вақант) лавозимлари учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Номзодлардан қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

Тошкент Давлат юридик институтини қошидаги академик лицейи директорининг Маънавият ва маърифат ишлари ҳамда Чуқурлаштирилган фанлар бўйича директор ўринбосарлари лавозимига ўтказилаётган танловда илмий (даража унвонли) ёки педагогик (касбий-таълим) ёки таълим муассасасининг йўналиши бўйича магистр дипломли мутахассислар иштирок этиши мумкин. Номзодларнинг аризалари Тошкент Давлат юридик институтини қошидаги академик лицейига тақдим этилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1. Сўровнома (кадрларни ҳисобга олиш варақаси) ва таржимаи ҳол;
 2. Маълумоти ҳақидаги ҳужжат нусхаси;
 3. Илмий даража ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари (мавжуд бўлса);
 4. Илмий услубий ишлар рўйхати (мавжуд бўлса);
 5. 4x6 ўлчамдаги 4 дона фотосурат;
 6. Директор ўринбосари лавозимига номзоднинг таълим муассасасига бўлажак раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси (концепция)
- Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-5, 88-уй.

Телефонлар: 135-67-38, 135-67-41

Тошкент туризм касб-ҳунар коллежи «Ахборот ресурси маркази» вакант ўринларга доимий ишлаш учун ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда турувчи салоҳиятли ва масъулиятли мутахассислар қуйидаги лавозимлар бўйича қатнашишлари мумкин:

- *Ахборот ресурси маркази раҳбари.
- *Электрон ахборот бўлими мудири.
- *Ахборот-ресурс маркази етакчи мутахассиси—4 нафар.

*ЭХМ муҳандис-дастурчиси, 1-тоифали.

*ЭХМ оператори, 1-тоифали, 3 нафар.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Манзилимиз: Юнусобод тумани, 2-даҳа, Аҳмад Дониш кўчаси, 28-уй.

Телефон: 124-79-52

Мўлжал: 16 қаватли бино яқинидаги бекат.

Мунажжим башорати

ХАТОЛАРДАН ХУЛОСАЛАР ЧИҚАРИНГ

25 ЯНВАРЬ, ПАЙШАНБА
Кўшнинг бугун тушдан кейинги ҳолати, мунажжимларимиз таъбирча, инсонларда чапдастик ва сўзамоллик, кўпгина тушунчаларни ўз истагича талқин этиш қобилиятини ривожлантирар экан. Шунингдек, Кўшнинг ҳозирги жойлашши калтис муаммоларни зудлик билан ечишга даъват этади.

Ҳамма ишни тезкорлик билан ва аниқ-тиник бажаришга ҳаракат қилиш керак. Албатта фарзандларингизга эътибор беринг — уларга ўқишларида ва мустакил билимларини оширишларида кўмаклашинг.

Ой тақвимининг саккизинчи куну тава куну ҳисобланади. Бугун йўл қўйган хотоларингизни йўлаб кўришингиз, уларни тахлил этиб, тегили хулосалар чиқаришингиз керак бўлади.

Бугун кундузи соат 11.51 дан то 15.30 гача Ой йўналиши ҳолатда бўлади. Шу вақт оралигида ортиқча сўзамоллик ва киришимлик сизга каттагина зарар келтириши мумкин. Бинобарин, душманларингизга муҳим гапларни ошкор этиб қўймаслик учун тилингизга «қулф» солганингиз маъқул.

БУГУН:

— сафарлар, саёхатлар ва хизмат сафарларига йўл олиш, транспорт муаммоларини ҳал қилиш;

— ўзингизни эркин ва хайрихоҳларча тутиш;

— сидқидилдан меҳнат қилиш, билимларингизни амалда қўллаш;

— қалбингиз нидоси ва ички туйғуларингизга ишонинг; — мулоқотлар ва манфаатлар доирасини кенгайтириш;

— шахсий алоқаларингиздан ўрнида фойдаланиш тавсия этилади.



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: УЛКАН ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 07

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашир кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4398 нусxada босилди. Қоғоз бичими А-2

Наشري етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига еки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоноси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6